

## ЎЗБЕК ТИЛИДА МОДАЛ ФЕЪЛЛАРНИНГ ХОСЛАНИШИ

**Камолдин Жамолович Умаров**

Андижон давлат университети ўқитувчиси

### АННОТАЦИЯ

*Ушбу мақолада замонавий тилшунослик ютуқларига таянган ҳолда модал маъноларни, хусусан хоҳиш-истак категориясини юзага чиқарувчи тил бирликлари қаторида айрим модал феъллар ҳам борлиги хусусида фикр юритилган. Модал феъл тушунчаси универсал ҳодиса сифатида ўзбек тилига ҳам татбиқ қилинган.*

**Калит сўзлар:** *модаллик, модал маъно, модал сўзлар, модал феъл, кўмакчи феъл, субъектив муносабат, хоҳиш-истак категорияси.*

### ABSTRACT

*In this article, relying on the achievements of modern linguistics, there are some modal verbs among the language units that create modal meanings, in particular, the category of desire. The concept of modal verb is applied to the Uzbek language as a universal phenomenon.*

**Key words:** *modality, modal meaning, modal words, modal verb, auxiliary verb, subjective attitude, category of desire.*

### КИРИШ

Тилдаги хоҳиш-истак категорияси модаллик тушунчасининг бир тури бўлиб, гапдаги ифода маъносига кўшимча тарзда модал маънони англатувчи моҳиятдир.

Модаллик (лот. *modalis* - ўлчов, усул) - фикрнинг воқеликка бўлган муносабатларининг турли хил кўринишларини, шунингдек, билдирилаётган нарсаларнинг субъектив тарзда таснифланишининг турлича кўринишларини ифодаловчи функционал-семантик категория.<sup>1</sup>

Ш.Балли ҳеч бир жумла модалликсиз мавжуд бўлмаслигини таъкидлаб, шундай тавсифлайди: “Модаллик гапнинг руҳидир; у фикр каби, асосан, сўзловчининг фаол ҳаракати натижасида шаклланади ва, ҳеч бўлмаганда, модалликнинг қайсидир ифодасини ўз ичига олади.”

Е.А.Стародумовага кўра, модаллик семантикасига эга бўлган сўзлар (ҳаракатнинг имконияти, зарурияти, ҳаракатнинг мақсадга мувофиқлиги)

<sup>1</sup> Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6 т. Т., 2000. – Б.38.

фeълнинг ноаниқ шакли билан бирикади (ҳаракатни билдирувчи - мумкин, зарур, керак): *бажариш керак, дам олиш мумкин, eрдам бeриш мумкин, кетишни хоҳлайман, айтиш керак*. Кўришиб турганидек, бу ерда сўзнинг у eки бу гап бўлагига тегишлилиги эмас, балки унинг луғавий маъноси муҳим аҳамиятга эга.<sup>2</sup>

Ш.Балли биринчилардан бўлиб, модал фeълларга эътибор қаратади. Модал фeъл модалликнинг мантиқий ва аналитик ифодаси (масалан, *ўйламоқ, қувонмоқ, хоҳламоқ*), субъекти эса модал субъектдир; иккаласи биргаликда диктумни тўлдирувчи модусни ҳосил қилади.<sup>3</sup> Модал фeъл, ўз навбатида, ҳукм, ҳиссиёт eки мақсаднинг хилма-хил маъно оттенкаларини ўз ичига олиши мумкин. Шунини таъкидлаш керакки, бу уч категория ҳар доим ҳам алоҳида ҳолда келавермайди. Модал фeъл (*ўйламоқ, хурсанд бўлмоқ, хоҳламоқ* кабилар) мантиқчилар айтганидек, ҳукм (факт eки қиймат ҳақида) билан боғлиқ тасдиқни ўз ичига олади.<sup>4</sup>

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Маълумки, айрим тилларда модал фeъл модалликни, яъни эҳтимоллик, рухсат, илтимос, таклиф, буйруқ, мажбурият eки маслаҳатни кўрсатиш учун ишлатиладиган фeълнинг бир тури. Модал фeъллар ҳар доим семантик мазмунга эга бўлган бошқа фeълнинг асос (инфинитив) шаклига боғланиб келади. Инглиз тилида *can, could, must, should, had better, need or dare* модал фeъллари кенг тарқалган.<sup>5</sup>

Модал фeъллар истак, ният, бажарувчининг иш-ҳаракатни амалга ошириш имкониятини билдирувчи фeъллардир: *хотеть (хоҳламоқ), мочь (бажара олмоқ), желать (тиламоқ), предполагать (фараз қилмоқ), намереваться (ният қилмоқ), стремиться (интилмоқ), решиться (қарор қилмоқ)* ва ҳоказо. Улар, кўпинча таркибли фeъл предикатида қўлланилади.<sup>6</sup>

Фeълларнинг модаллиги ҳақида гап кетганда, аввало, А.Ҳожиёвнинг ўзбек тилида кўмакчи фeъллар борасидаги таснифига таянамиз. Академик олим “**Модал маъноларни ифодаловчи кўмакчи фeъллар**”ни алоҳида гуруҳ

<sup>2</sup> Стародумова Е.А. Синтаксис современного русского языка. Владивосток, Изд. Дальневосточного университета, 2005. – С.13

<sup>3</sup> Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. Москва, изд-во Иностранной литературы, 1955, - С. 44

<sup>4</sup> Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. Москва, изд-во Иностранной литературы, 1955, - С. 44

<sup>5</sup> [https://en.wikipedia.org/wiki/Modal\\_verb](https://en.wikipedia.org/wiki/Modal_verb)

<sup>6</sup> <https://poisk2.ru/modalnye-glagoly-v-russkom-yazyke-tablitsa/>

сифатида ажратади. Кўмакчи феълларнинг маълум бир группаси сўзловчининг ҳаракатга бўлган турли муносабатини кўрсатувчи маъноларни – модал маъноларни ифодалайди. Бу ўринда қайси кўмакчи феълнинг модал маънони ифодалашини, шунингдек, кўп маъноли кўмакчи феълларнинг қайси бир маъноси модал маъно эканлигини кўрсатиб ўтади.<sup>7</sup>

Масалан, **қол** кўмакчи феъли шарт майли формасида сўзловчи ёки субъектнинг ҳаракатнинг тезроқ бажарилишига жуда тарафдорлиги, шуни жуда хоҳлаши маъносини билдиради. *Қани энди Ханкаси тушмагур уламани тақа қолса* (С.Аҳмад, “Ханка билан Танка”). *Нима эди-я, эҳ,... эсимга туша қолса-чи* (Р.Файзий, “Ростини айтдим”).<sup>8</sup>

Бундай ҳолларда нутқ қаратилган шахс ҳам, ҳаракатни бажарувчи ҳам сўзловчининг ўзи бўлса, сўзловчининг шу ҳаракатни бажаришии ўзига маслаҳат кўриши, шуни маъқул топиши ифодаланади: *Тогда юриб сочим ўсиб кетди. Олдира қолай, ...* (С.Анорбоев). *Ювиб чиқа қолай, яна эртага меҳмон келиб қолиши бор* (Ж.Абдуллахонов).<sup>9</sup>

Бирикув буйруқ-истак майли формасида бўлганда:

1) Етакчи феълдаги ҳаракат субъектнинг ёки ўзга шахснинг илтимосига (майлига, хоҳиш-ихтиёрига) кўра бўлувчи ҳаракат бўлса, шу ҳаракатни бажаришга рухсат, розилик, хайрихоҳлик маъноси ифодаланади: *Майли, майли, холажон, мен ўзимизнинг эшикдан чиқа қолай* (А. Қаҳҳор).

2) Етакчи феълдаги, ҳаракат сўзловчининг истак-майлига кўра бўлувчи ҳаракат бўлса, шу ҳаракатни бажаришга хайрихоҳлик билан маслаҳат, илтимоснинг кучайиши, шундай қилиш маъқуллиги ифодаланади: *Ўғлим, бугун қола қол, ойдинда балиқ овлар эдик, кечроқ кетарсан* (Ж.Шарипов).<sup>10</sup>

Таҳлилларимиз асосида қизиқ бир ҳолатга дуч келдик. Ўзбек тилида модал сўзлар (*керак, зарур, шарт* кабилар) ҳамда етакчи феълларга бирикиб келувчи *бор, кел, кет, қил, бер* каби кўмакчи феъллар модал маъноларни ифодалашга хизмат қилар экан, айрим субъектив маъно ифодаловчи *хоҳламоқ, истамоқ, буюрмоқ, таклиф қилмоқ* каби феъллар ана шулар билан бир хил вазифа бажаришини кузатдик.

<sup>7</sup> Ҳожиёв А. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. Т.: Ўзбекистон, 1966. – Б. 195-197

<sup>8</sup> Ҳожиёв А. Ўша манба.

<sup>9</sup> Ўзбек тили грамматикаси. 1-том. Морфология. Т.: Фан, 1975. – Б.398

<sup>10</sup> Ўзбек тили грамматикаси. 1-том. Морфология. Т.: Фан, 1975. – Б.397

## ХУЛОСА

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларга таяниб, ўзбек тилида ҳам *рухсат бермоқ*, *илтимос қилмоқ*, *таклиф қилмоқ*, *буйруқ бермоқ*, *маслаҳат бермоқ*, *хоҳламоқ*, *истамоқ*, *суюнмоқ*, *севинмоқ*, *ҳавас қилмоқ*, *ўйламоқ* каби воқеликка (объект ёки субъектга) nisбатан субъектив баҳо оттенкасига эга бўлган феълларни алоҳида гуруҳ сифатида модал феъллар деб ажратиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Гап шундаки, биринчидан, бу феъллар ҳам модал сўзлар каби, асосан, феълнинг инфинитив шаклига боғланиб келади. *Боришим керак – боришни хоҳлайман*, *айтишим зарур – айтишни истайман*. Иккинчидан, бундай феъллар кўмакчи феълли сўз кўшилмаси билан ифодаланган вариантлар билан грамматик синоним бўла олади: *боргим келди – боришни хоҳлайман*.

Учинчидан, улар гап таркибида модал маъно ифодалайдиган феълларга ҳам вариантдош бўла олади: *Уканга ёрдам бер – Укасига ёрдам беришни буюрди*.

## REFERENCES

1. Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. Москва, изд-во Иностранной литературы, 1955.
2. Стародумова Е.А. Синтаксис современного русского языка. Владивосток, Изд. Дальневосточного университета, 2005.
3. Ҳожиёв А. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. Т.: Ўзбекистон, 1966. .
4. [https://en.wikipedia.org/wiki/Modal\\_verb](https://en.wikipedia.org/wiki/Modal_verb)
5. <https://poisk2.ru/modalnye-glagoly-v-russkom-yazyke-tablitsa/>